

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮЛДАШЕВ РАВШАН МУСЛИМОВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИНИНГ КЎКРАК ВА БЕЛ СОҲАЛАРИ
ДЕФОРМАЦИЯСИ ВА НОСТАБИЛЛИГИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ
КАСАЛЛИКЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Юлдашев Равшан Муслимович

Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел сохалари деформацияси ва
ностабиллигига олиб келучи касалликларни жаррохлик йўли билан
даволаш..... 3

Юлдашев Равшан Муслимович

Хирургическое лечение заболеваний позвоночника, ведущих к его
деформации и нестабильности в грудном и поясничном отделах
..... 29

Yuldashev Ravshan Muslimovich

Surgical treatment of vertebral column diseases causing deformation and
instability at the thoracic and lumbar
regions..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮЛДАШЕВ РАВШАН МУСЛИМОВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИНИНГ КЎКРАК ВА БЕЛ СОҲАЛАРИ
ДЕФОРМАЦИЯСИ ВА НОСТАБИЛЛИГИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ
КАСАЛЛИКЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.2.DSc/Tib166 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Кариев Гайрат Маратович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алиходжаева Гулнарахан Аллаутдиновна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мирзабаев Марат Джумабекович

тиббиёт фанлари доктори (Қозоғистон Республикаси)

Шодиев Амиркул Шодиевич

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent.@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди. (2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустомова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмийк отиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «умуртқа поғонаси деформациясига олиб келадиган касалликларнинг учраш даражаси ва улуши тобора ортиб бормоқда»¹. Бу кўп жихатдан шикастланиш ва ўсма касалликларининг ортиши билан боғлиқ. Умуртқа поғонасига оид барча патологиялар орасида жароҳатлар 30-40%, умуртқа поғонаси деформацияси ва ностабилликка олиб келувчи ўсма касалликлар эса 20% гача ташкил этади (Anderson A., 2006). Бинобарин, Америка нейрожароҳатлар ассоциацияси маълумотларига кўра (ASIA, 2008) ҳар 5 йилда умуртқа поғонаси жароҳатларининг 100%га ортиши тахмин қилинмоқда. Ривожланган мамлакатларда, ўртача, ҳар йили аҳолининг ҳар 1 миллионига тетра- ёки параплегиа янги 10-15та бемор пайдо бўлмоқда. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ҳар йили 270-405 ни ташкил этади (Кариёв М.Х., 2006). Умуртқа поғонаси деформацияси ва ностабиллиги инсон таянч-ҳаракат аппарати касалликларининг асосий қисмини ташкил этиб, оғир неврологик бузилишлар ва турли асоратларга олиб келади, меҳнатга лаёқатлилиги ва ижтимоий мослашувни анчагина чегаралайди.

Умуртқа поғонасининг юқори даражали деформациялари ва ностабиллиги ҳамда унга ёндош жиддий неврологик танқислик жарроҳлик амалиётини ўтказишга тўғридан-тўғри кўрсатма бўла олади. Жаҳонда умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел қисмлари касалликлари ва жароҳатланишларини хирургик даволашга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Умуртқа поғонаси ностабиллиги масалалари батафсил ўрганилиб, хирургик ёрдам ва даволаш натижалари яхшиланганлиги ва ўлим кўрсаткичларининг камайганига қарамадан дифференциал хирургик тактика ишлаб чиқиш, умуртқа поғонаси ўқини тўғрилаш ва декомпрессия қилиш каби муаммолар баҳслилигича қолмоқда ва кўшимча изланишлар олиб борилишини талаб этмоқда. Замонавий ташхис усулларининг ривожланиб бораётганига қарамай, ушбу беморларни хирургик даволаш натижаларини комплекс динамик баҳолаш муаммолигича қолмоқда. Шунга кўра ушбу касалликларни хирургик йўл билан даволашни такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотларни давом эттириш долзарб ҳисобланади.

Республикамызда соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаларидан бири аҳолига юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш турларини кенгайтириш ва сифатини тубдан ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш стратегиясининг бешта асосий тамойилига кўра аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари қўйилган². Шунга кўра кенг қўламли клиник ва радиологик диагностика ҳамда дифференциал хирургик даволаш

¹World Health Organization website, 2013, 2014.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 4947-сон Фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 07.02.2017.

усулларини такомиллаштириш орқали умуртқа поғонаси бекарорлигини жаррохлик йўли билан яхши натижаларга эришиш тадқиқотнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Умуртқа поғонаси деформацияларини ташхислаш ва даволаш масалаларига оид талқиқотлар дунёнинг етакчи тиббий марказлари ва олий ўқув юртларида амалга оширилмоқда, жумладан: Mayo Clinic, Johns Hopkins Hospital, Stanford Hospitals and Clinics, University of Texas MD Anderson Cancer Center, Cedars-Sinai Medical Center, Harvard medical school, (АҚШ); Chris Hani Baragwanath Hospitals (ЖАР); НИИ Нейрохирургии им. Н.Н. Бурденко РАМН РФ; РНИИТО им. Р.Р. Вредена (Россия); Das Klinikum der Universitat Munchen, Bonn University (Германия); Inha University Hospital, Seoul National University Hospital (Жанубий Корея); Нейрожаррохлик илмий-амалий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон Республикаси). Умумдунё миқёсида олиб борилган илмий изланишлар умуртқа поғонаси деформацияси ва ностабиллиги бўлган беморларни ташхислаш ва жаррохлик йўли билан даволашда бир қадар ижобий силжишлар борлигини кўрсатмоқда. Масалан, умуртқа жароҳатларида ҳаракат сегментларининг бекарорлик мезонлари ишлаб чиқилган (Harvard medical school, АҚШ; Johns Hopkins Hospital, АҚШ); спондилодез ва стабилизация зарурлиги исботланган (Bonn University, Германия; НИИ Нейрохирургии им. Н.Н. Бурденко РАМН РФ); ўсмаларда тотал вертебрэктомия учун жаррохлик усуллари ишлаб чиқилган (РНИИТО им. Р.Р. Вредена, Российская Федерация; University of Texas MD Anderson Cancer Center, АҚШ). Ўзбекистонда умуртқа поғонаси соҳасида декомпрессияловчи ва стабилизацияловчи жаррохлик амалиётлари сўнгги 30 йил давомида олиб борилмоқда. Умуртқа поғонаси деформациялари ва касалликларида декомпрессив-стабилловчи даволаш усулларининг симлардан фойдаланиш ва ўсимталараро маҳкамлашдан то замонавий стерженли транспедикуляр тизимларгача бўлган текширувлар ўтказилган.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed; <http://www.rsl.ru>; <http://www.biomedcentral.com> ва бошқа сайтлар асосида тайёрланган.

Шунингдек, спондилодез учун акрил цемент ва гидрооксиапатитларни ишлатиш масалалари устида иш олиб борилган. Орқа мия спондилодезини олд ва орқа томондан декомпрессия қилиш усуллари ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар натижалари неврологик бузилишлар ва ногиронликнинг бирмунча камайишига олиб келган.

Ҳозирги кунда дунёда умуртқа поғонаси деформацияси ва ностабиллиги бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича куйидаги йўналишлардаги илмий тадқиқотлар давом этмоқда, жумладан: орқа мия регенерацияси ҳолатини баҳолаш, олд ва орқа томондан жарроҳлик йўли билан кириб бориш ёндашувини ишлаб чиқиш, умуртқа ўқи деформациялари ва сагиттал балансни ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик амалиёти жараёнида умуртқа-ҳаракат сегментлари инструментацияси ярқилик давомийлигини аниқлаш; жароҳат, ўсма ва умуртқа поғонасининг бошқа касалликлари жарроҳлик муолажаларига янгича ёндашувлар, реабилитация ва ҳаёт сифатини яхшилашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Умуртқа поғонаси жароҳатининг этиопатогенезидан қатъий назар, ностабиллик юзага келади, умуртқалар силжиши, орқа мия, нерв илдизчалари ва қон томирлари компрессияси юз беради. Бу ўзгаришлар субъектив (оғриқ) ва объектив (неврологик ўзгаришлар) симптомлар кўринишида бўлади (Баринов А.Н., 2014; Беков М.М., 2010; Асютин Д.С. ва ҳаммуал., 2014; Harrington K.D., 1988 Lieberman I.H. et al., 2001; Lotfinia I., et al., 2013).

Сўнгги йилларда бундай беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда шакл-шубҳасиз юксалиш юз берди, бу замонавий нейроташхис техникаларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки нейроанестезиология, турли жарроҳлик усуллари ва ёндашувларни амалиётга татбиқ этилиши натижаси ҳамдир (Слинько Е.И. ва ҳаммуал., 2005; Фарйон А.О., 2006; Каримов А.А., 2009; Кайков А.К., 2013; Erickson D.L., 1977; Benzel E.C., 1986; Knoeller S.M., Seifried C., 2000; Nicholas T., Volker S.K., 2000; Prabhakar M. M. et. al., 2005; Yamada S., et. al., 2005). Умуртқа поғонасининг ички стабилизацияси учун янги типдаги асбобларнинг қўлланилиши умуртқа поғонаси ностабиллигига сабаб бўлувчи касалликларни даволашда кескин бурилишга олиб келди (Жестков К.Г., 2008; Жупанов А.С. ва ҳаммуал., 2010; Гусев В.В. ва ҳаммуал., 2011; Климов В.С. ва ҳаммуал., 2012; Луцик А.А. ва ҳаммуал., 2012; Паськов Р.В. ва ҳаммуал., 2012; Говенько Ф.С., 2013; Cotrel Y., Dubousset J., Guillaumat M., 1988; Nell M. et al., 2011). Жарроҳлик амалиётининг муваффақияти аниқ танланган усулга бевосита боғлиқ. Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳаларидаги жарроҳлик амалиётида умуртқалараро тирқишларга ва умуртқа канали олд юзасига ёндашиш имконияти мақсадга мувофиқ. Турли жарроҳлик усуллари ўз ичига олган – орқа, орқа ёнбош, ёнбош, олд ёндашувларни ва уларнинг комбинацияларини 2 ёки ундан ортиқ жарроҳлик амалиётларида қўллаш асослаб берилган (Доценко В.В. ва ҳаммуал., 2008; Левченко С.К. ва ҳаммуал., 2011; Макаров А.Б. ва ҳаммуал., 2012, Прудникова О.Г. ва

хаммуал., 2008; Dunn H.K., 1984; Harrington K.D., 1988; Roy-Camille R., Saillant G., Mazel C.H., 1990; Theodore N., Sonntag V., 2000). Умуртқа поғонаси стабилизацияси учун таклиф этилаётган турли-туман имплантат тизимлари умуртқа поғонасининг тузилиши, умуртқанинڭ ўзига хос жароҳатига асосланиб, касаллик жараёнининг жойлашуви ва тарқалишига ҳам боғлиқ. Умуртқа поғонаси ички стабилизациясини яхшилаш борасидаги кўп йиллик уринишлар имплантат каттиклигининг ошишига олиб келиб, суякларнинг битиши учун яхши шароитлар яратилишига ёрдам берган (Валеев И.Е., 2007; Карагодин Д.Ф. ва хаммуал., 2008; Зуев И.В. ва хаммуал., 2009; Черницов С.В., 2009; Бердюгин К.А., Каренин М.С., 2010; Хейло А.Л., 2011; Климов В.С. ва хаммуал., 2012; Луцик А.А. ва хаммуал., 2012; Паськов Р.В. ва хаммуал., 2012). Шу тариқа, ушбу тоифадаги беморларни даволашда тактик ва техник имкониятларнинг кўплиги ташхис имкониятларини ошириш ва рационал жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш борасидаги долзарбликни йўқотгани йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Республика нейрохирургия илмий марказининг тадқиқот иши АДСС 15.8.1 – сонли «Умуртқа дегенератив касалликларининг оғриқли синдромларида янги каминвазив технологияларни ва деформациялари бўлган беморларда хирургик даволаш усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари деформациялари ва ностабилликлари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини комплекс клиник-радиологик ташхис усулларини такомиллаштириш ва дифференциал жарроҳлик даволаш тактикасини ишлаб чиқиш асосида яхшилаш.

Тадқиқот вазифалари:

умуртқа поғонасининг жароҳат, ўсма, эхинококкоз сабабли этиологияга боғлиқ тарзда кўкрак ва бел соҳалари деформациялари ва бекарорликларининг учраш даражасини таҳлил қилиш, неврологик ва клиник-радиологик тавсифини аниқ бериш, жарроҳлик даволаш динамикасига кўра умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари бекарорлигини башорат қилиш;

кўлланаётган ташхис мезонларининг башорат учун аҳамиятини аниқлаш ва улар асосида бемор бирламчи ҳолати, янги ташхис кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда башорат ва даволаш натижаларини баҳолаш шкаласини яратиш орқали комплекс клиник-радиологик такомиллашган ташхис тизимини ишлаб чиқиш;

янги кўрсаткичлар ва балл миқёсларини баҳолашни бажариш, клиницистлар учун янги кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш дастур комплексларини ишлаб чиқиш;

умуртқа поғонаси деформацияларида жароҳатланган умуртқаларга орқа-ўрта кесим орқали орқа-ёнбош жарроҳлик ёндашуви афзалликларини асослаш, жароҳатланиш характери ва жарроҳлик амалиёти ҳажмини ҳисобга

олган ҳолда дифференциал орқа ёнбош жарроҳлик ёндашувини ишлаб чиқиш;

умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳалари деформациялари ва ностабилликлари бўлган беморларни даволашда дифференциал жарроҳлик ёндашиш, эзилган нерв элементларини тўлиқ декомпрессияси асосида ва умуртқани CD (Cotrel Y. ва Dubousset J.) типигаги стерженли тизимларни қўллаш ёрдамида транспедикуляр стабилизацияси ва умуртқа поғонаси ўқининг интраоперацион коррекцияси билан дифференциал жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш;

умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳалари деформациялари ва ностабилликлари бўлган беморларни даволашда ишлаб чиқилган дифференциал жарроҳлик тактикасининг клиник самарадорлигини таҳлил қилиш;

ишлаб чиқилган дифференциал жарроҳлик тактикасининг афзалликларини анъанавий жарроҳлик тактикаси - VSP Spine System (Variable Screw Placement Spinal Fixation System) ёрдамида транспедикуляр фиксация (ТПФ) билан таққослама таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқот объектини умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари деформациялари ва ностабиллигига олиб келувчи жароҳатлари ва касалликлари бўлган 260 нафар бемор ташкил қилди.

Тадқиқот предмети жароҳат ва касалликлар натижасида умуртқа поғонаси деформацияси бўлган беморларнинг неврологик ва клиник-рентгенологик статуси жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин комплекс баҳолашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Изланишда умумклиник, неврологик (оғриқ ва неврологик ўзгаришлар миқёслари), нур (рентгенологик, магнит-резонанс ва компьютер-томографик) ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари деформациялари ва ностабиллиги бўлган беморларида умуртқалар танаси жароҳатининг Ўзбекистон шароитидаги этиологиясига ҳамда патологиянинг клиник, клиник-рентгенологик кўринишларига, жарроҳлик даволаш хусусиятлари ва башоратига асосланган тўлиқ тавсифи ишлаб чиқилган;

бемор шифохонага тушганда орқа мия ва умуртқа поғонасининг ҳақиқий жароҳат ҳажмини ва касаллик башоратини фақатгина неврологик кўриниш асосидагина аниқлаб бўлмаслиги исботланган;

умуртқа поғонасининг деформациялари ва жароҳатлари бўлган барча беморларда сезиларли неврологик ўзгаришлар мавжуд бўлишига қарамай, 89,2% беморларда орқа мия канали стенози ўртача сезиларли даражада бўлиши (50%дан кўп эмас), бу эса яхши ва қониқарли даволаш натижаларига эришиш мумкинлигини исботлаган;

илк бора маълум неврологик ва клиник-радиологик кўрсаткичларнинг ташхис ва башорат имкониятлари аниқланган, улардан умуртқа компрессияси кўрсаткичи (УКК), умуртқанинг понасимон деформацияси кўрсаткичи (УПДК) ва оғриқ (визуал аналог миқёси) алоҳида аҳамиятга эга

эканлиги исботланган;

янги ташхис кўрсаткичлари ишлаб чиқилган – вертеброиндекс (клиник-радиологик маълумотлар асосида) ва умуртқа поғонаси беқарорлигининг интеграл индекси (УНИИ - клиник-неврологик ва вертеброиндекс маълумотлари асосида), уларнинг маълум бўлган кўрсаткичларидан (УКК, УПДК, Кобб бурчаги) ташхис ва башорат аҳамияти юқори эканлиги статистик тасдиқланган;

вертебрал статусни баҳоловчи янги ташхис кўрсаткичлари асосида ташхис индексларини ҳисоблаш «APM-Vertebroindex» комплекси ишлаб чиқилган;

ёндашув ва стабилизация ҳажми, жарроҳлик амалиётининг тури, умуртқалар жароҳатининг этиологияси, характери ва ҳажмига кўра умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари деформацияси ва ностабиллигида дифференциал жарроҳлик услуги ва тартиби ишлаб чиқилган;

умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳаларида деформациялари ва ностабиллигини стабилизациялашда ва умуртқа ўқини коррекция қилишда ишлаб чиқилган дифференциал жарроҳлик услуги афзалликлари ламинэктомия ва транспедикуляр фиксациядан иборат бўлган анъанавий жарроҳлик услубидан устунлиги исботланган.

Изланишнинг амалий натижалари:

умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳаларида деформациялари ва ностабиллиги бўлган барча беморларда неврологик танқислик ва оғриқ синдроми мавжудлигига қарамасдан, 93,1% беморларда умуртқа поғонаси канали стенози даражаси 50%дан ортмаган, бу рационал жарроҳлик тактикаси қўлланилганда аъло ва яхши натижаларга эришиш имконини берган (вертеброиндекс бўйича 89,2%гача, умуртқа поғонаси беқарорлиги интеграл индекс бўйича 41,8%гача), даволашнинг қониқарсиз натижалари эса бунда жуда оз миқдорни ташкил этган (вертеброиндекс бўйича 0%, УНИИ бўйича 2,1%);

бирламчи ташхис, башорат ва даволаш натижаларини баҳолаш аниқлигини ошириш учун такомиллашган ташхис комплекси (вертеброиндекс, умуртқа поғонаси ностабиллиги интеграл индекси), вертебрал индекс ва даволаш натижаларини баҳоловчи клиник балл миқёси ва бундай янги кўрсаткичларни ҳисоблашни осонлаштириш мақсадида эса «APM-Vertebroindex» дастур комплекси ишлаб чиқилган;

умуртқа поғонасининг деформацияси ва ностабиллигида 3 асосий элементларни ўз ичига оладиган: сиқилган нерв элементларини терини орқа ўрта кесими ёрдамида такомиллаштирилган орқа-ён ёндашув орқали сиқилган нерв элементларини тўлиқ декомпрессия қилиш; жароҳатланган умуртқаларда жарроҳлик амалиёти - олд спондилодез, корпородез, вертебропластика ва ҳ.к. ўтказиш; транспедикуляр стабилизацияда умуртқа поғонаси ўқини CD (Cotrel Y. ва Dubousset J.) туридаги стерженли тизимлар ёрдамида интраоперацион коррекциясидан иборат самарали дифференциал жарроҳлик услуб ишлаб чиқилган;

умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари деформацияси ва

ностабиллиги бўлган беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган дифференциал жаррохлик амалиёти танлаш усули хисобланиб, у транспедикуляр фиксацияси VSP Spine System типигаги тизимлар ёрдамида бажарилганда, даволаш натижаларини шикастланган ва эхинококкозли беморларда вертеброиндекс бўйича 3,8-4,1 мартагача, ўсмали беморларда 2,3 мартагача, умуртқа поғонаси беқарорлигининг интеграл индекси бўйича 2,1-2,6 мартага яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектив клиник, неврологик, рентгенологик, КТ- ва МРТ-текширишлар маълумотлари ва уларнинг статистик таҳлили билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Текширувлар натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга эканлиги, умуртқа деформациялари ва беқарорлиги бўлган беморларда ташхислаш ва хирургик даволаш хусусиятларини ўрганиш бўйича муҳим хисса қўшиши билан аниқланади. Ишлаб чиқилган ташхислаш индекслари ёрдамида вертебрал статусни баҳолашнинг клиник балл миқёсини ва даволаш натижаларини балл ёрдамида баҳолашни ўз ичига олган такомиллаштирилган ташхис комплекси ишлаб чиқилган. Умуртқа деформациялари ва ностабиллиги бўлган беморларни жаррохлик йўли билан даволашнинг натижаларини яхшилашга имкон берувчи дифференциал тактика ишлаб чиқилган. Модификациялашган орқа-ён жаррохлик ёндашуви ўз хажми ва декомпрессия хажмига боғлиқ равишда 4 турга бўлиниб, умуртқа поғонаси стабилизациясини танлаш усули умуртқаларга михлар киритилгандан кейин умуртқа ўқини интраоперацион коррекция қилишга имкон берадиган CD туридаги стерженли тизим орқали транспедикуляр фиксация услуги ишлаб чиқилган.

Ишнинг амалий аҳамияти - таклиф этилган ташхис тартиблари ва жаррохлик тактикаси даволаш натижаларини яхшилаган. Янги балл миқёсларидан фойдаланиш умуртқа жароҳатлари ёки касалликларининг бошланғич ҳолатини, даволаш динамикаси ва натижаларини стандартлаш ҳамда уларни проспектив ва ретроспектив текширувларда, кўп марказли тадқиқотларда ишлатиш имконини берган. «APM Vertebroindex» компьютер дастури асосида ишлаб чиқилган усулдан фойдаланиш ташхис комплексини амалиётга тадбиқ қилишни осонлаштиради. Умуртқа каналининг сезиларли даражада торайиши ва кифотик деформацияларда кенг жаррохлик йўлини танлаш даволаш натижаларини яхшилашга олиб келган.

Модификациялашган орқа-ён жаррохлик ёндашуви умуртқа поғонаси стабилизациясини танлаш усули асосида афзалликларга эга бўлиб, эрта жаррохликдан кейинги беморни фаоллаштириш ҳамда конструкцияни олиб ташламасдан бемор ҳаёти давомида сақлаб туриш имкониятини берган. Олинган натижалардан клиник ординаторларни, магистрларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш ҳамда нейрохирургия амалиётида кенг қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалга жорий қилиниши:

Кўкрак ва бел қисмларида умуртқа деформацияси ва ностабиллигига

олиб келувчи касалликларни жарроҳлик йўли билан даволашга оид илмий тадқиқот натижалари асосида:

соғлиқни сақлаш амалиётига «Умуртқа поғонасида ўсмаси бўлган беморларни даволашда перкутан вертебропластика» номли услубий тавсиялар жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 сентябрдаги 8Н-д/21-рақамли хулосаси). Ушбу тавсиялар диагностик тартибни қўллаш, умуртқа поғонасида янги ҳосила пайдо бўлган беморларда вертебропластикани қўллаш ёки қўлламасликка кўрсатма бериш имкониятини яратади;

соғлиқни сақлаш амалиётига «Умуртқа поғонасида метастатик ҳосилалар бўлган беморлар учун прогностик омиллар ва даволаш тавсиялари» татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 3 февралдаги 8Н-д/102-рақамли маълумотномаси). Услубий тавсиялар клиник маълумотлар ва радиологик текширувлар асосида умуртқа поғонасида метастазлар бўлган беморларнинг прогностик кўрсаткичларини баҳолаш, бундай беморлар учун терапевтик тавсиялар бериш имконини яратади;

«Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел қисмлари жароҳатларида декомпрессияловчи-стабилизацияловчи операциялар» номли услубий тавсиялар (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 сентябрдаги 8Н-д/21-рақамли хулосаси) жароҳатларда умуртқа поғонаси деформацияси ва ностабиллигида орқа ёнбошдан жарроҳлик йўли билан кириб бориш модификациясини асослайди. «Ўсмали, умуртқа поғонасида патологик синишлар бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда орқа ёнбошдан кириш» услубий тавсиялар (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 сентябрдаги 8Н-д/21-рақамли хулосаси) мутахассисларга амалиёт жараёнида керакли жарроҳлик усулини танлаб олиш имкониятини яратади. «Умуртқа поғонаси ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари» номли ихтиро давлат рўйхатидан ўтказилиб, унга 27.07.2012да № IAP 052227 рақамли патент, шунингдек, фойдали моделлар ва компьютер дастурлари учун бошқа катор патент ва гувоҳномалар олинди. Олинган илмий натижалар Фарғона, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида клиник амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 сентябрдаги 8Н-д/21-рақамли хулосаси). Ўтказилган тадқиқотлар натижалари жароҳат, ўсма касалликлари ва эхинококкозда даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш, ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари қуйидаги анжуманларда муҳокама қилинган: Ўзбекистон нейрохирургларининг I съездида (Бухоро, 2014 й.), Ўзбекистон VIII Халқаро фтизиатрлар ва пульмонологлар съездида (Тошкент, 2015 й.), Ўзбекистон нейрохирурглари Ассоциацияси мажлисида (Тошкент, 2015 й.), Бутун дунё нейрохирурглари Федерациясининг 14-съездида (Рим, 2015 й.).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий иш чоп этилган, улардан 36та тезис Ўзбекистонда, чет элда ўтказилган съездлар, анжуманлар, симпозиумлар тўпламларида; 16 таси

илмий мақола кўринишида Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда чоп этилди.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация муқаддима, 8 та боб, хотима, хулосалар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Матн 174 бет, 53 жадвал, 3 диаграмма, 28 расмдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммонинг долзарблиги, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, изланиш объекти ва предметлари ёритилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, мавзу юзасидан хорижий адабиётлар шарҳи келтирилган, олинган натижаларнинг жорийланиши, чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар шарҳи» номли биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган, унда умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари ностабиллик муаммоларининг тиббий-ижтимоий аҳамияти, этиопатогенетик омиллар, ушбу патологияни жарроҳлик йўли билан даволашнинг ва фиксация усулларининг замонавий ҳолати кенг ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Материал ва қўлланган текшириш усулларининг клиник тавсифи**»да текшириш объекти, усуллари ва услубий ёндашувлар тавсифи берилган. Ишда 260 нафар умуртқа поғонаси кўкрак ва бел соҳасида ностабиллик ва деформацияси сабабли Республика нейрохирургия илмий марказида 2003-2015 йиллар мобайнида жарроҳлик амалиётини бошдан кечирган беморларнинг даволаниш натижалари таҳлил қилинади. Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган – назорат ва асосий. Назорат гуруҳига 2003-2008 йилларда анъанавий усулда даволанган 66 нафар бемор киритилган. Асосий гуруҳга 2009-2015 йилларда даволанган 194 та бемор киритилган.

Нazorат гуруҳидаги беморларда бажарилган анъанавий жарроҳлик амалиёти жароҳатланган умуртқа худудида эзилган нерв ҳосилалари декомпрессияси мақсадида ламинэктомияни, агар ностабиллик бўлса, VSP Spine System тизимлари ёрдамида транспедикуляр фиксация (ТПФ)ни ўз ичига олган. ТПФни қўллаш беморларни жарроҳлик амалиётидан кейин эрта фаоллаштиришга имкон беради, лекин ушбу фиксаторлар деформацияни тўлиқ коррекциясини ўтказиш имконини бермайди ва уни бир неча ойдан кейин яна жарроҳлик амалиёти ёрдамида олиб ташлашни талаб этди.

Асосий гуруҳда биз ишлаб чиққан дифференциал жарроҳлик амалиёти қўлланилди. У умуртқа поғонасининг жароҳатланган худудига орқа-ён ёндашувни, орқа мия ва орқа мия нервларининг тўлиқ декомпрессиясини, умуртқа танасида нейроортопедик амалиёт ва ностабиллик бўлса, умуртқа поғонасини CD турдаги фиксаторлар билан транспедикуляр стабилизациясини (ТПС) ўз ичига олади. CD типдаги фиксаторларни қўллаш интраоперацион умуртқа поғонаси ўқини коррекция қилиш, беморларни

жарроҳлик амалиётидан кейин биринчи кунларда фаоллаштириш ва фиксаторларни бемор танасида бутун умрга қолдириш имконини беради.


Назорат ва асосий гуруҳ беморларида ишлаб чиқилган дифференциал жарроҳлик тактикаси - дифференциал орқа-ён жарроҳлик ёндашуви, тўлик декомпрессия, умуртқада нейроортопедик жарроҳлик амалиёти ва умуртқа поғонаси ностабиллигида CD тури тизимида стерженли транспедикуляр стабилизация қўлланилди. CD туридаги фиксаторларни қўллаш интраоперацион равишда умуртқа ўқини коррекция қилиш, беморларни жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин фаоллаштириш ва фиксаторни танада умрининг охиригача қолдириш имкониятини яратди.

Даволаш натижалари ташхис кўрсаткичларини ташхис ва башоратдаги аҳамиятини баҳолаш ва гуруҳлар орасида таққослама таҳлил учун қўлланилиб, корреляцион боғланиш ўрганилди. Беморлар ёши ва жинсига кўра гуруҳлар орасида статистик ишонарли фарқ бўлмади. Ўрганилган беморлар ёши 3дан 74гача бўлиб, ўртача $36,2 \pm 1,0$ ёшга тенг бўлди. 260 бемордан 170 нафари эркаклар (65,4%), 90 нафари аёллар (34,6%). Назорат гуруҳида ўртача ёш $34,5 \pm 2,1$ ни ташкил қилди; 66 бемордан эркаклар 45 нафар (68,2%), аёллар 21 нафар (31,8%). Асосий гуруҳда ўртача ёш $36,9 \pm 1,1$; 194 бемордан эркаклар 125 нафар (64,4%), аёллар 69 нафар (35,6%).

Даволаш натижаларини баҳолаш шифохонадан чиқиш вақтидаги неврологик ва ортопедик ўзгаришларнинг даражасига кўра (эрта муддат) ва шифохонадан чиққандан кейин 12 ойдан кам бўлмаган вақтда (узок муддат, якуний натижа) бажарилди.

Неврологик асоратларнинг даражаси – неврологик статус ASIA/ISCSI (American Spain Injury Association/International Standards for Neurological and Functional Classification of Spinal Cord Injury) 5 балли миқёси ва 10 балли ВАШ бўйича оғриқ визуал аналог миқёси бўйича баҳоланди. Барча беморлар 5 турга бўлинди: А тур (5 балл) – орқа миянинг тўлиқ анатомик ёки функционал узилиши; В тур (4 балл) – жароҳатдан узокроқда ҳаракат ва сезиш функцияларининг йўқлиги, сезишнинг думғаз сегментларида сақланиши; С тур (3 балл) – орқа миянинг сезиш ва ҳаракат функцияларининг қисман сақланиши, лекин жароҳатдан пастда асосий мушакларнинг ярмисида уларнинг кучи 3 баллдан кам; D тур (2 балл) - орқа миянинг сезиш ва ҳаракат функцияларини қисман сақланиши, лекин жароҳатдан пастда кўпчилик мушакларнинг ярмисида уларнинг кучи 3 баллдан ортик; E тур (1 балл) – нерв тузилишларининг ўтказувчанлик функцияси сақланган.

Умуртқа поғонасининг ҳолатини клиник ва клиник-нур маълумотларига кўра вертебрал статус деб атадик. Вертебрал статусни ифодалаш мақсадида умуртқа компрессияси кўрсаткичи (УКК), умуртқани понасимон деформацияси кўрсаткичи (УПДК), Кобб бўйича локал кифоз бурчагидан фойдаланилди (1-расм).



x – жароҳатланган умуртқа танаси
 баландлигининг олд ўлчами;
 ab – юқорида жойлашган
 жароҳатланмаган умуртқа танаси
 баландлигининг олд ўлчами;
 cd - пастда жойлашган
 жароҳатланмаган умуртқа танаси
 баландлигининг олд ўлчами;
 y - жароҳатланган умуртқа танаси
 баландлигининг орқа ўлчами;
 a – синикдан юқори олд силжиш
 катталиги;
 b – силжишдан пастда тана сагиттал
 ўлчамининг катталиги;
 γ – локал кифоз бурчаги (Кобб
 бурчаги).

УКК - умуртқа компрессияси кўрсаткичи

$$УКК = (1 - x / (ab + cd) : 2) * 100\%$$


УПДК – умуртқанинг понасимон деформацияси кўрсаткичи

$$УПДК = (1 - x/y) * 100\%,$$

1-расм. Умуртқа поғонасининг шикастланиши ва касалликларида рентген маълумотлари асосида вертебрал статус кўрсаткичлари

Вертебрал статус бўйича ташхис мезонларини аниқлашни осонлаштириш учун дастурлар комплекси ишлаб чиқилди, у қуйидаги компонентлардан ташкил топган: «Умуртқа деформацияси даражасини аниқлаш учун дастур» DGU № 02968 13.01.2015; «Умуртқа поғонаси ўсмаларида суяк цементини киритиш учун умуртқа танаси ҳажмини ҳисоблаш» DGU № 02659 14.12.2012; «Умуртқа поғонаси деформациялари бўлган беморларнинг вертебрал статуси, умуртқа поғонаси канали стеноз даражаси, беморларни даволаш натижаларини баҳолаш учун «APM Vertevroindex дастури»» DGU 20170012. 12.01.2017. «APM Vertevroindex» қуйидагича ишлайди: шифокор маълум рентген-радиологик параметрлари ҳамда даволашгача вертебрал ва неврологик статус микдорларини киритади, бунда дастур ушбу ишда келтирилган тартибларга мувофиқ ҳисобланган сонларни кўрсатади.

Шунингдек, умуртқа поғонаси каналининг стеноз даражаси баҳоланди (УКСД) (2-расм).



УКСД – умуртқа канали стенози даражаси

$$\text{УКСД} = (1 - (b * e) / ((d * a + f * c) / 2)) * 100\%$$

2-расм. КТ ёки МРТ маълумотларига кўра умуртқа канали кенглигини ўлчаш: а), b), c) – кўндаланг ўлчамлар; d), e), f) – узунасига ўлчамлар.

Кузатилаётган текширув усуллари орасида фарқларнинг ишончлилиқ таққослама тахлили Стюдент мезони ёрдамида ўтказилди. $P < 0,05$ даражада фарқлар ишончли баҳоланди.

Алоҳида кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикасини баҳолаш учун нисбий ўзгаришлар кўрсаткичи дельта қўлланилди, у қуйидаги формула бўйича ҳисобланди: $\delta = (B - A) / A * 100\%$, бунда

A – ўрганилаётган параметрнинг бошланғич миқдори; B – ўрганилаётган параметрнинг якуний миқдори; δ - дельта (нисбий ўзгаришлар кўрсаткичи).

Ўрганилаётган параметрнинг якуний ва бошланғич натижалари орасидаги фарқ оддий кўрсаткичидан дельта кўрсаткичининг афзаллиги унинг нисбийлигидадир, шунинг учун унинг ёрдамида турли кўрсаткичлардаги ўзгаришларни уларнинг табиати, ўзгаришлар миқёси масштабларига, тури ва бошқаларга қарамасдан таққослаш мумкин.

Статистик ҳисоблар Microsoft Windows 7 операцион тизимида, Microsoft Excel 2003 дастурида, киритилган статистик функцияларни қўллаган ҳолда амалга оширилди. Пирсон жуфт корреляцияси мезонларини ҳисоблаш ва уларнинг ишончлилигини баҳолаш Лапач С.Н., Чубенко А.В.,

Бабич П.Н. «Тиббий-биологик изланишларда Excel қўллаган ҳолда статистик усуллар» монографиясида келтирилган тавсияларга биноан бажарилди – Киев, МОРИОН, 2000. – 320 с., 120-124 б.

Диссертациянинг «Умуртқа поғонасининг деформациялари ва ностабиллиги бўлган асосий гуруҳ беморларида клиник-неврологик кўринишларнинг таҳлили» ва «Умуртқа поғонасининг деформациялари ва ностабиллиги бўлган асосий гуруҳ беморларида клиник-радиологик кўринишларнинг таҳлили» номли учинчи ва тўртинчи бобларида асосий гуруҳ беморларида клиник-неврологик ва клиник-радиологик натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Умуртқа поғонаси деформацияси ва ностабиллигининг асосий сабаби шикастлар бўлди (60%дан ортиқ), иккинчи ўринда умуртқа поғонаси ўсмалари (25%дан ортиқ), учинчи ўринда эса - эхинококкоз (13-15%гача).

Умуртқа поғонасининг шикаст оқибатида синиши асосий гуруҳнинг 117 нафар беморида қайд этилди, эркаклар 86 (73,5%), аёллар 31 (26,5%). Ўртача ёш $32,5 \pm 13,0$. Умуртқа поғонасининг шикастли жароҳатланиши кўпинча (50%дан ортиқ ҳолларда) пастки кўкрак - юқори бел соҳаларида учради (Th₁₁-L₂). Уларнинг барчасида турли даражадаги неврологик танқислик аниқланди, улар орасида орқа мияни нотўлиқ жароҳати бўлган беморлар кўпчиликини ташкил этди - 98 (83,7%) нафар. Спинал шок ривожланиши сабабли ўткир жароҳатдан кейинги эрта даврда жарроҳлик амалиёти тактикасини танлаш учун зарур бўлган неврологик кўриниш асосий жароҳатланиш жойи ва оғирлиги хақида етарли маълумот бера олмади.

Умуртқа поғонаси ўсмалари асосий гуруҳнинг 51 беморида кузатилди, эркаклар 35 нафар (68,6%), аёллар 16 нафар (31,4%). Беморларнинг ўртача ёши $50,3 \pm 16,7$, беморларнинг кўпчилигини 40 ёшдан катта беморлар ташкил қилди – 37 нафар (72,5%). Ўсмалар кўпроқ умуртқа поғонасининг кўкрак соҳасида кузатилди (ходисаларнинг 2/3 қисми), бел соҳасида камроқ (ходисаларнинг 1/3 қисми). Оғриқ синдромининг давомийлиги турлича бўлди – бир неча кундан бир неча йилгача, ўртача 5-6 ой. Илгариги оғриқлар фонида тўсатдан пайдо бўлган белдаги оғриқ патологик синишдан дарак берди.

Умуртқа поғонаси эхинококкози 26 беморда аниқланди, эркаклар 18 нафар (69,2%), аёллар 8 нафар (30,8%), беморлар ёши 14 дан 55 ёшгача. Умуртқа поғонаси эхинококкозида жароҳатланишнинг 2/3 қисми бел соҳасига, 1/3 қисми кўкрак соҳасига тўғри келди. Барча беморларда шифохонага келиш вақтида оёқлар парези ва тос органлари функциясининг бузилиши кўринишидаги неврологик ўзгаришлар кузатилди. 80% беморларда аста-секин бошланиб, кучайиб боровчи оғриқлар, 50% беморларда радикулопатия синдроми аниқланди. Шундай қилиб, клиник ва рентгенологик кўринишлар таҳлили кўрсатдики, умуртқа деформациялари ва жароҳатлари бўлган беморларда неврологик ўзгаришлар сезиларли бўлишига қарамай, уларнинг 80%дан ортиғида умуртқа канали стенозининг (50%гача) ўртача даражаси кузатилади, бу эса даволашнинг яхши ва қониқарли натижаларига эришиш имконини беради.

Диссертациянинг «Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари ностабиллигида ташхис мезонлари» номли бешинчи бобида замонавий тиббиётда кенг қўлланилувчи клиник балл миқёсларини ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар берилган. Бундай миқёслар даволаш тактикасини аниқлаштириш, дифференциаллаш ва динамикада даволаш натижаларини баҳолаш имконини беради.

Ўрганилаётган беморларда бошланғич статус ва даволаш натижаларини баҳолашнинг клиник баллар миқёси учун бир қатор талабларни ишлаб чиқдик: 1) клиник балл миқёсининг ҳар бир мезони 5 та ўзгариш диапазониغا эга бўлиши керак (градациялар, баллар); 2) ҳар бир баллнинг миқдорий баҳоси жароҳатланиш оғирлигига тўғри пропорционал бўлиши керак; 3) интеграл баллар ёрдамида баҳолашда умумий неврологик ва умуртқа статусининг солиштирма оғирлиги баробар бўлиши муҳим; 4) баллар ёрдамида баҳолаш натижалари меъёрга келтирилиши керак, бунда баллда олинган миқдорлар баҳоси балл максимал миқдорига бўлиниб, 100%га кўпайтирилади. 5) даволаш натижалари даволашгача ва даволангандан кейинги меъёрлаштирилган миқдорлар балл миқёси фарқи (дельта) бўйича баҳоланиши зарур. Дельтанинг барча диапазонлари 5 остдиапазонга бўлинади, бу якуний натижани 5 балли тизим асосида баҳолаш учун зарур.

Оғриқни балларда баҳолаш 10балли визуал аналог шкаласи (ВАШ) ёрдамида бажарилди. Интеграл клиник миқёс учун олинган баҳонинг миқдори 10га бўлинади, чунки унинг максимал миқдори 10 балл:

$$\text{Оғриқ индекси} = \text{ВАШ} / 10 * 100\%$$

Балларда неврологик статусни баҳолаш ASIA/ISCSI миқёсига мувофиқ бажарилди, бунда энг оғир қиймат (А типи) 5 балл, энг енгили (Е типи) 1 балл деб баҳоланди.

Умуртқа поғонаси статуси 4та энг ахборотбардош параметрлар асосида баҳоланди: умуртқанинг понасимон деформацияси кўрсаткичи (УПДК); умуртқа компрессияси кўрсаткичи (УКК), Кобб бурчаги, орқа мия каналининг стеноз даражаси (ОМКСД). Бу кўрсаткичларнинг максимал ва минимал диапазонлар қиймати 5 остдиапазонга бўлинди, бу уларнинг ифодаланганлик даражасини балли баҳолаш мақсадида бажарилди (1-жадвал).

1-жадвал

Умуртқа поғонаси индекси ва уларни баҳолаш

Кўрсаткичлар	Минимал қиймат	Максимал қиймат	Баллар ва диапазон қийматлари				
			1	2	3	4	5
КПДК	12%	45%	0-10%	11-20%	21-30%	31-40%	>40%
УКК	14%	45%	0-10%	11-20%	21-30%	31-40%	>40%
Кобб бурчаги	11°	42°	0-6°	7-12°	13-18°	19-24°	>24°
ОМКСД	13%	88%	0-10%	11-20%	21-30%	31-40%	>40%

Вертебрал статус биз ишлаб чиққан умуртқа индекси бўйича баҳоланди, уни *Вертеброиндекс деб номладик*, у қуйидаги формула бўйича %да ҳисобланади:

$$\text{Вертеброиндекс} = \frac{(\text{КПДК} + \text{УКК} + \text{Кобб бурчаги} + \text{орқа мия канали стенози даражаси}) / 20 * 100\%}{100\%}$$

Неврологик статус ишлаб чиқилган *невроиндекс* бўйича баҳоланди, у қуйидаги формула бўйича %да ҳисобланади:

$$\text{Невроиндекс} = (\text{ВАШ} + \text{ASIA}) / 15 * 100\%$$

Невроиндекснинг максимал қиймати 15 баллни ташкил қилади, ушбу формула бўйича у 100%га мувофиқ келади.

Умуртқа поғонаси ностабиллигининг интеграл индекси (УНИИ) қуйидаги формула бўйича %да ҳисобланади:

$$\text{УНИИ} = (\text{невроиндекс} + \text{вертеброиндекс}) / 2$$

Ушбу формулада невроиндекс солиштирма оғирлиги 50%га тенг, вертеброиндекс – 50%, бу реал клиник кўринишни аниқ ифодалаб беради. Ишлаб чиқилган мезонларни ва интеграл клиник балл миқёсининг ташхис аҳамиятини баҳолаш учун барча беморлар маълумотлари таҳлил қилинди, жумладан ҳам назорат, ҳам асосий гуруҳ бўйича алоҳида, 4та база параметрлари билан бир қатор кўрсаткичларнинг ҳам корреляция жуфт коэффициентлари (Пирсон мезони) таҳлил қилинди: вертеброиндекс дельтаси, невроиндекс дельтаси, УНИИ дельтаси, даволашгача бўлган УНИИ.

Корреляцион таҳлилга киритилган кўрсаткичлар қуйидагилар: этиология; бемор ёши; жинси; невроиндекс – гача; УПДК, % - гача; УКК, % - гача; Кобб бурчаги, град - гача; Стеноз даражаси, % - гача; Вертеброиндекс – гача; УНИИ – гача; Невроиндекс – сўнг; Вертеброиндекс – сўнг; ИИНП – сўнг; Невроиндекс – дельта; Вертеброиндекс – дельта; УНИИ – дельта. Пирсон мезонини ҳисоблашда шунингдек Стьюдент мезони ва олинган Пирсон мезони қиймати ишончлилиги ҳам ҳисобланди.

Таҳлил қулай бўлиши учун барча корреляцион таҳлил маълумотлари 4 та гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳга этиология, жинс, ёш кўрсаткичлари; иккинчи гуруҳга даволашгача барча кўрсаткичлар; учинчи гуруҳга даволашдан кейинги кўрсаткичлар; тўртинчи гуруҳга дельта кўрсаткичлари киритилди. Пирсон жуфт корреляция мезонлари асосидаги турли кўрсаткичларнинг ташхис аҳамиятидаги таҳлили кўрсатдики, корреляциянинг энг юқори қийматлари УКК, УПДК ҳамда ишлаб чиқилган индекслар - вертеброиндекс ва УНИИ да кузатилди, бунда УКК ва УПДКга қараганда ишлаб чиқилган балл шкалалари асосидаги индекслар даволаш натижаси билан яна ҳам юқори корреляцияга эга.

«Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари беқарорлигида дифференциал жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш» деб номланган олтинчи бобда ишлаб чиқилган дифференциал жарроҳлик тактикаси асослаб берилган. Умуртқа поғонасининг деформацияси ва ностабиллигидаги

декомпрессив-стабилизация жарроҳлик амалиётларида 4 та элемент мавжуд – жарроҳлик ёндашуви, декомпрессия, жароҳатланган умуртқада асосий жарроҳлик жараёни, стабилизация.

«Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари ностабиллигида дифференциал жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш» деб номланган олтинчи бобда ишлаб чиқилган дифференциал жарроҳлик тактикаси асослаб берилган. Умуртқа поғонасининг деформацияси ва ностабиллигидаги декомпрессив-стабилизация жарроҳлик амалиётларида 4 та элемент мавжуд – жарроҳлик ёндашуви, декомпрессия, жароҳатланган умуртқада асосий жарроҳлик жараёни, стабилизация.

Roy-Camille туридаги конструкциялар билан бирга CD стержень тизимлари ишлаб чиқилган ва Cotrel Y. ва Dubousset J. (1988) муаллифлар номи берилган конструкциялардан фойдаландик. Бунда винтлар фиксацияси махсус стерженда амалга оширилади, у винтлар орасидаги масофани ўзгартириш ва фиксацияланаётган умуртқалар ўқини коррекция қилиш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу конструкциянинг охириги модификацияларида деталлар юзасига махсус технологиялар ёрдамида ишлов берилади, натижада тизим биоинерт бўлиб қолади ва у бемор танасида бутун умрга қолиши мумкин. Бу беморда яна қайта жарроҳлик амалиётини бажариб, конструкцияни олиб ташлаш заруратини истисно қилади. CD туридаги транспедикуляр тизимлар фиксациядан ташқари коррекция қилиш имконини бергани ҳисобга олган ҳолда биз бу икки афзалликни «стабилизация» деб белгиладик («стабилизация = фиксация + коррекция»), бу усулни эса транспедикуляр стабилизация (ТПС) деб атадик. Марказга бу усул 2010 йилда татбиқ этилди.

Бу янги усул ва технологияларнинг амалиётга жорий этилиши нафақат кенг имкониятлар очди, балки дифференциал жарроҳлик тактикасини ва жарроҳлик ёндашувни танлаш ҳамда жарроҳлик амалиёти ҳажмини аниқлаш борасида янги муаммоларини қўйди. Ушбу муаммоларни ҳал этишда биз адабиётлардаги маълумотларини ва назорат гуруҳидаги беморларни жарроҳлик даволашдаги хусусий тажрибамизни таҳлил қилдик.

Жарроҳлик амалиётининг биринчи компоненти – жарроҳлик ёндашув. Ёндашув усулини танлашни асослаш учун Сазон-Ярошевич бўйича 3 хил ёндашувни график моделладик: ёнбош ёндашишда яра тавсифи энг ёмон, олд ёндашишда - яхшироқ, аммо етарли эмас, орқа ёнбош ёндашиш – оптимал. График моделлаштириш натижаларининг амалий тажрибамизга тўлиқ мос келишини ҳисобга олган ҳолда, биз ёндашувлар тавсифи бўйича қўшимча экспериментал изланишлар олиб бормадик.

Умуртқаларга орқа-ён ёндашув 2 та босқични ўз ичига олади – тери кесими ва юмшоқ тўқималараро ёндашув, суяк тузилишларида ишлаш асосий жарроҳлик амалиётининг бир қисми ҳисобланади. Назорат гуруҳида жарроҳлик амалиёти ҳажмини кенгайтиришга зарурат туғилганда кесим Т-шаклида бўлди. Лекин бу кесимлар ўрта кесимларга нисбатан қийинроқ битади, шунинг учун биз асосий гуруҳда Т-шаклли кесимни инкор этдик ва терининг ўрта чизикли кесимини танладик, зарур бўлганда уни пастга ёки

юқорига узайтириш мумкин, мушаклар, пайлар, бошқа юмшоқ тўқималар катта ҳажмда очилади.

Жарроҳлик амалиётининг иккинчи компоненти – декомпрессия мақсадида очилган юмшоқ тўқималар ва суюқ-пай тузилишларнинг ҳажми ва тури. Умуртқа деформациясининг даражасига кўра орқа миянинг етарли ва адекват даражадаги декомпрессияси ва патологик субстратларни олиб ташлаш учун дифференциал орқа ёнбош ёндашувнинг 4 та турини (модификация) ишлаб чиқдик - эконом (1 ва 2 турлар) ва кенг (3 ва 4 турлар) (2-жадвал).

Жарроҳлик амалиётининг учинчи компоненти – шикастланган умуртқаларда асосий жарроҳлик амалиёти ва транспедикуляр стабилизация. Очик вертебропластика учун акрилли цемент, керак бўлган ҳолларда аутосуяк бўлакчалари қўлланилади. Умуртқа поғонаси жароҳатларида ўсма умуртқа танасидан ташқарига чиққан ҳолатларда уни олиб ташлангач, умуртқа танаси транспедикуляр равишда акрилли цемент билан пластика қилинади.

2-жадвал

Умуртқаларда стабилловчи жарроҳлик амалиётларини бажаришда дифференциал орқа-ён ёндашув ва кўкрак- бел соҳаларида эзилган нерв элементлари декомпрессияси

<i>Тур</i>	<i>Ёндашув ва декомпрессия ҳажми</i>
1 тур	Умуртқа ёйини олиб ташлаш, ёй ўзагини ва юқори умуртқалараро бўғимни олиб ташлаш;
2 тур	Умуртқа ёйини, ёй ўзагини, юқори ва пастки умуртқалараро бўғимни олиб ташлаш;
3 тур	Бел соҳасида: геми- ёки ламинэктомия, ёй ўзагини, умуртқалараро бўғимни, кўндаланг ўсиқ резекцияси ёки олиб ташланиши;
4 тур	Кўкрак соҳасида: ламинэктомия, ёй ўзагини, умуртқалараро бўғимни, кўндаланг ўсиқни, кўндаланг-қовурға бўғимни ва қовурға бошини ёки ўзини проксимал қисми билан биргаликда олиб ташлаш.

Очик вертебропластика усули перкутан усулга кўра қатор афзалликларга эга: умуртқанинг таянч қобилятини ошириш, тана баландлигини сақлаб қолиш, ички стабилизациянинг ишончлилиги ортиши, метилметакрилатнинг ўсма қолдиқларига химиотерапевтик ва термик таъсири. Шикастланишларда ва эхинококкозда аутосуяк билан спондилодез ва корпородез, керак бўлган ҳолларда эса акрилли цементлаш қўлланилади. Баъзи ҳолларда титан имплантатлардан фойдаланилади.

Биз, шунингдек, умуртқа поғонаси ностабиллиги ва деформациясида дифференциал жарроҳлик ёндашуви тартибини нафақат биринчи ва иккинчи жарроҳлик амалиёти компонентларига, балки – асосий жарроҳлик ҳаракати

ва умуртқа поғонаси фиксацияси - учинчи ва тўртинчи компонентлар учун ҳам ишлаб чиқдик (3-жадвал).

3-жадвал

Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел соҳалари ностабиллигида дифференциал жарроҳлик тактикаси

Жароҳат характери ва ҳажми	Ёндашув ва декомпрессия ҳажми	Стабилизация ва спондилодез
<i>Умуртқаларнинг ўсма билан жароҳатланиши (Tomita таснифи)</i>		
T2	Ўсмани бир томонлама орқа -ён ёндашув орқали олиб ташлаш (эконом ёндашув 1, 2)	ТПС + очик вертебропластика
T3-T4	Орқа мия декомпрессияси ва ўсмани бир ёки икки томонлама орқа-ён ёндашув орқали олиб ташлаш (кенг ёндашув 3, 4)	ТПС+ очик вертебропластика
T5-T6	Икки томонлама орқа-ён ёндашув (кенг ёндашув 3, 4)	ТПС (хавфли ўсмада) ТПС+ аутосуяк билан спондилодез /умуртқа танаси протези (хавфсиз ўсмада)
<i>Умуртқалар эхинококкози</i>		
Умуртқалар эхинококкози	Орқа мия декомпрессияси икки томонлама орқа-ён ёндашув орқали (кенг ёндашув 3, 4)	ТПС
<i>Умуртқалар шикасти (умуртқа деформацияси даражасига боғлиқ ҳолда)</i>		
I даража	Бир томонлама орқа-ён ёндашув (эконом ёндашув 1)	ТПС+ аутосуяк билан олд спондилодез
II даража	Бир- ёки икки томонлама орқа-ён ёндашув (эконом ёндашув 2)	ТПС+ аутосуяк билан олд спондилодез
III даража	Орқа мия декомпрессияси икки томонлама орқа-ён ёндашув орқали (кенг ёндашув 3, 4)	ТПС+ аутосуяк билан корпородез
<i>Умуртқа поғонаси стабилизацияси ҳажми</i>		
Жароҳатланган умуртқалар	Стабиллаштирилган сегментлар	Стабиллаштирилган умуртқалар
1	2	3
	Агар кўкрак соҳасида ПКДП > 37° бўлса, унда	
	4	5
2	5	6
3	6	7

Жарроҳлик амалиётининг тўртинчи компоненти – умуртқа поғонаси

стабилизацияси. Биз CD туридаги стерженли тизимлар билан бажарилган транспедикуляр стабилизацияни (ТПС) афзал деб биламиз, у ламинар илгаклар фиксацияси билан тўлдирилиши мумкин. Битта умуртқа жароҳатланганда қисқа стабилизация қўлланилади - 2-4 сегментлар фиксацияси, 2 ва 3 умуртқа жароҳатланганда – узун стабилизация 5-6 сегмент (ёки 6-7 умуртқагача). Умуртқа поғонасининг кифотик деформацияси ҳажми қанча кўп бўлса, шунча кўп сегментларни стабиллаштириш зарур.

